

МУСТАҚИЛЛИК

ХУКУК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис
XIV сессиясидаги маърузасидан:

XXI АСР АРАФАСИ ВА УНИНГ ДАСТАБКИ ИЙЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

БИРИНЧИ УСТУВОР Йўналиш

- мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳоётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

ИККИНЧИ УСТУВОР Йўналиш

- жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий поклашни ва юксалишга дъват этадиган, инсон ички оламида бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш-масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

УЧИНЧИ УСТУВОР Йўналиш

- кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалвероди. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Тўртинчи УСТУВОР Йўналиш

- халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Бешинчи УСТУВОР Йўналиш

- жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

• Муносабат

ЭГИЛГАН БОШ

ёҳуд

тавбанинг хосиятлари хусусида

«Эгилган бошни қилич кесмайди», дейди халқимиз. Бу гап бежиз эмас, албатта, зеро бошни эгиш тавба қилиш демакдир. Тавба қилиш эса кишининг билиб ёки билмасдан қилиб қўйган гуноҳларини, йўл қўйган хатоларини такрорламасликка чин дилдан сўз берганлигини англатади. Тавба Аллоҳ таоло буюрган аъмоллардан бири бўлиб, тавбаларни қабул қилгучи Зот ягона Аллоҳдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ойнайи жаҳон орқали халқимизга мурожаат қилиб, 16 февралда содир этилган хунрезликларга қандайдир даражада алоқадор бўлган шахслар тавба қилсалар, яъни бош эгиб келсалар, гуноҳларини кечирармиз, деган фикрларини изҳор этдилар. Президентимизнинг бу гапларини эшитarkanман, кўнглимдан кўп ўйлар ўтди. Очинини айтганда, биринчи кунлар мен буни тасаввуримга сиғдирилмадим. 16 февралда содир этилган хунрезликларда ўн учта бегуноҳ жон бу дунёни тарк этган, юздан ортиқ кишилар ҳе йўқ, бе йўқ тон жароҳати олган бўлсалар... Шу қулфатларга сабабчи бўлган кимсаларни қандай кечириш мумкин? Умуман, уларни кечириш мумкинми, деган ўйлар менга тинчлик бермади. Аллоҳ таолонинг Қуръони каримни, Пайғамбаримиз

саллолоху алайҳи вассалламнинг буюк юртдошимиз Имом ал-Бухорий тўллаган ҳадиси шарифларини, сўнгра ҳар эҳтимомга қарши яҳудийларга туширилган Тавротни, насронийларга туширилган Инжилни ҳам бир-бир варақлаб чиқдим. Ниҳоят Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Тузуклар»ини кўлга олдим. Уни ўқиб чиққач, кўнглим кўзи ярқ этиб очилгандай бўлди, нега юртбошимиз халқимизга бундай мурожаат қилганини гирасира бўлса-да, англаб етгандай бўлдим.

«Хукук» газетасининг 31-март сониди (13(77)) эълон қилинган «Элга қилса бир жафо» сарлавҳали мақолада 16 феврал воқеаларига муносабат билдириб, хунрез-

(Давоми 3-бетда.)

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси

14-15 апрел кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа томонларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида катта маъруза қилди.

Парламент ўз мажлисларида бир қатор муҳим қонунларни депутатлар муҳокамасига ҳавола этди ва қабул қилди. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг қоғалатлари тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Хатин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Темирйўл транспорти тўғрисида»ги, «Урмон тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Депутатлар, шунингдек Республиканинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритдилар.

• Тадбир

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча ТДЮИда «Виждон эркинлиги: муаммолар, изланишлар ва тажрибалар» мавзусида илмий, амалий конференция бўлиб ўтди.

Бу тадбирни Хукуқий маърифат тарғиботи маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Республика Прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказди.

Конференцияни ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалимбой Бобоев кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республика-

сининг янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни хусусида қисқача сўзлаб берди. Президент девонининг бош консултанти Зухриддин Ҳусниддинов «Ислам ва диний экстремизм: гоғлар кураши» мавзусида маъруза қилди.

Й.ПАРДАЕВ,
Хукуқий маърифат тарғиботи
маркази муҳаррири



Ўзбегим машинаси ўзбек қизларига ҳам ярашгай.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

